



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (11.655)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Умон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алабий бин Абдуллани қабул қилди. Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Тошкентда аёлларда учрайдиган онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларига бағишланган халқаро форум ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фонд Форум, «Аёллар кенгаши» жамоатчилик бирлашмаси, «Ҳаёт учун» миллий уюшмаси, Онкология маркази ҳамда қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари, хориж давлатларидан 300 га яқин мутахассис иштирок этди.

• Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида сутни қайта ишлайдиган «Жаннат суги» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик бўлган корхонада бир кеча-кундузда тўрт тонна сут қайта ишланиб, ўн турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

• Бухоро давлат университети қошида очилган инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида япон тилини ўргатиш курслари иш бошлади.

• Гулистон шаҳрида янги «Камронбек» савдо мажмуаси ўз эшиklarини очди. Савдо маркази, супермаркет ва ўнлаб дўконлардан иборат янги мажмуанинг ишга туширилиши билан юзга яқин киши иш ўринларига эга бўлди.

• Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида субтропик ўсимликларнинг илмий-амалий маркази ташкил этилди. Янги муассаса Тошкент шаҳридаги етакчи илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Жорий йилда марказ даласида доривор ўсимликлар билан бир қаторда чой буталари ҳам экилди.

ЖАҲОНДА

• Исландия музликларидаги вулканининг яна фаоллашиб 8 километр баландликка қадар кул отиши Европанинг бир нечта давлатлари ҳаво йўлларига тўсиқ бўлди. Жумладан, кеча Англия, Голландия, Ирландия ва Шимолий Ирландияда кўплаб ҳаво рейслари бекор қилинди.

• Таиланд пойтахти Бангкокда муҳолифатдаги «Қизил кўйлақлар» ҳамда ҳукумат армияси ўртасидаги тўқнашувлар жуда жиддий тус олди. Жумладан, кейинги кунлар давомида ҳукумат армияси ва полициячилар билан муҳолифат кучларининг қуролли тўқнашувлари давомида 35 киши ҳаётдан қўз юмди, 250 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Кеча бортида 6 нафар астронавт бўлган АҚШнинг «Атлантис» шаттли коинотда халқаро космик станцияга муваффақиятли туташиди. «Атлантис» космосда 26 майга қадар бўлиб, шу вақт давомида астронавтлар уч бор очик коинотга чиқадилар. Бу «Атлантис» шаттлининг коинотга ўттиз иккинчи ва охири парвозидир.

• «Бритиш петролеум» компанияси раҳбариятининг билдиришича, кеча компания мутахассислари учинчи уринишдан сўнг денгиз тубидаги нефть қувурига ўз мосламаларини ўрнатишга муваффақ бўлишди ва ҳозирда нефть ва газ ушбу мослама орқали махсус танкерга ўтказилмоқда.

• Кеча Каталония пойтахтида «Барселона» футбол командасининг йигирманчи бор Испания чемпиони бўлиши муносабати билан уюштирилган тантаналар давомида тартибсизликлар келиб чиқди. Кўп сонли мухлислар дўконлар ойналарини синдириб, кутилардаги чиқиндиларни ёқиб юбордилар. Полиция мухлисларни тинчлантириш мақсадида резина ўқлардан фойдаланишга мажбур бўлди ва бир нечта ишқибоз ҳибсга олинди.

Маҳсулот
экспортини йўлга қўйишда, албатта унинг жаҳон андозалари даражасига мос бўлиши, чет эллик буюртмачилар талабига жавоб бериши муҳим аҳамият касб этади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Қўшма корхоналарда ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ



Бунга эришиш учун ташқи бозорни ўрганиш, шу асосда рақобатга чидамли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим бўлади.

Маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтираётган, шунинг баробарида экспорт ҳажмини оширишга интилаётган «Тош-Росс-Текстиль» Ўзбекистон — Хитой — Россия қўшма корхонасининг иш бошлаганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу ерда экспорт ҳажми ортиб бораётгани эътиборлидир. Эзгу мақсадлар билан иш бошлаган мазкур корхонада пахтадан қайта ишлаш асосида тайёрланаётган калава ипнинг 90 фоизини хорижга чиқариш кўзда тутилган.

100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи учун қулай иш шaroитлари, дам олиш имкониятлари яратилган. Ҳавони мўътадиллаштиришга ёрдам берувчи иккита технологик тезолаш мосламаси ўрнатилгани ҳам меҳнат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилганидан далолатдир.

Таъкидлаш лозимки, рақобатбардош маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни амалга ошириш мақсадида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилишга эътибор қаратилаётган бу корхонада ҳам Хитойнинг пахта титиш, тараш, пилик-лаш дастгоҳлари ўрнатилган. Хорижий шериклар билан тузилган шартномага кўра, умумий қиймати 18,2 миллион АҚШ долларига тенг замонавий технологик линиялар ўрнатиш кўзда тутилган. Корхонанинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш эса йилига 30 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятини беради.

Айни пайтда ишлаб чиқариш жараёни зулуксиз олиб борилиши баробарида корхонада таъмирлаш ишлари ҳам жадал кетмоқда. Йил охиригача янги цехларга юқори унумли дастгоҳ ва усуналар ўрнатилади. Натижаси кўшимча ишчи ўринлари яратилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми бир неча баробарга оширилади.

Келгусида маҳсулот турлари кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мустақиллик берган бебаҳо бойлигимиз ва энг катта ютугимиздир. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий тадқиқот мазкур муҳим мавзуга бағишланди.

«Кўп миллатли Ўзбекистон» сўровида республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолиси вакиллари иштирок этди. Ушбу ижтимоий тадқиқотдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари, жамиятимизда фуқаролар тинчлиги, барқарорлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган шароит ва омиллар мамлакатимиз аҳолиси томонидан қандай қабул қилинаётганини аниқлашдан иборат эди.

Сўров давомида олинган маълумотлар ҳамда уларни аввалги мазкур мавзуга бағишлаб ўтказилган тадқиқотлар билан солиштириш натижалари шуни яққол кўрсатдики, бағрикенглик мамлакатимиз фуқароларига хос олижаноб фазилат ва ҳаётий мезон ҳисобланади. «Юртимиздаги миллатлараро муносабатларни қандай баҳолайсиз?» деган саволга, миллати, яшаш жойи, жинси, ёши, оилавий ва ижтимоий мавқеи, таълим даражасидан қатъи назар, аксарият сўров қатнашчилари (98,3 фоиз) мамлакатимизда ўзларини эркин ва яхши ҳис қилишларини айтган. Мамлакатимиз аҳолисининг жамиятимизда миллий асосда бирон-бир келишмовчиликни юзга келтирадиган сабаблар йўқлигига ишончи қомил.

Сўров Ўзбекистон халқининг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик эканини теран англашини (иштирокчиларнинг 97 фоизи) яна бир қарра тасдиқлади. Қарийб 100 фоиз аҳоли жамиятимизда мана шундай тинчлик ва осойишталик муҳитининг барқарорлиги ва тобора мустаҳкамланиб бораётганини Юртбошимиз Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати натижаси, деб билди. Сўров маълумотларига кўра, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган, ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини аксарият фуқаролар кўллаб-қувватлайди. (Давоми 2-бетда).

ИЖОДИЙ ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ

«Туркистон» саройида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



риш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ишлорларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятни оқсалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ишлорларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу муносабат билан ушбу саройга турли вазирилик ва идоралар, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фах-

рий журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш йўлида босқичма-босқич, тадрижий, халқимизнинг миллий руҳиятига, орзу-интилишларига монанд амалга оширилаётган эзгу сазъ-ҳаракатлар маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларга эришиш, миллий ўзлигини англаш, оммавий ахборот воситаларини раванқ топтиришга оид ибратли чора-тадбирлар билан ҳамроҳан олиб борилаётганини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалардаги ижодкорлар, айниқса, журналистикада қалам тебратаетган мутахассисларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш баро-

бариди юртимизда кечаётган ишлорларнинг туб мазмун-моҳиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга ҳолис ва ҳаққоний, чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишни, илғор ахборот технологияларини пухта эгаллашни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни талаб этмоқда.

Бу йил бешинчи марта ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси соҳасида меҳнат қилаётган сергайрат, фидойи, қатъиятли журналистларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун зарур шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашушни шакллантиришга хизмат қилади.

Ийгирма саккиз номинация бўйича ўтказилган бу йилги танловга 450 нафардан ортиқ журналистдан 6700 дан зиёд ижодий иш тушди. Жорий йилги танловнинг яна бир ўзига хослиги Баркамол авлод йилига бағишланган энг яхши материал учун» номинациясининг киритилгани, ғолиб ва совриндорлар учун таъсис этилган мукофот фондининг оширилганидир.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган «Ёшлар» телерадиоанали ёпиқ акциядорлик жамияти (директори Хайрулла Нуриддинов) — махсус диплом ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридеги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши бўйича ғолиблар, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳар ҳокимлиги томонидан хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Энг намунали спортчи оила» кўрик-танловининг пойтахт босқичи ўтказилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** маҳалла фуқаролар йиғини раислари, фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида одам савдосига қарши кураш масаласига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетиде «Соғлом турмуш тарзи — соғлом жамият» мавзусида семинар уюштирилди.

✓ **БАДИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида санъат ихлосмандлари эътиборига мусаввир Анвар Мамажонов томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

(Давоми. Боши
1-бетда).

Сўрвда аҳолининг мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг уйғунлашуви таъсир кўрсатадиган асосий омиллар бўйича фикрлари ҳам аниқланди. Жумладан, фуқароларимиз бу мақсадда амалга оширилган яхлит, истиқболга йўналтирилган оқилона сиёсат давлат қурилишининг устувор жиҳатларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва эллат вакилларининг маданияти ва анъаналарини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Буларнинг барчаси келажақда ҳам мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминлашни кафолатлайди.

Тадқиқот натижалари жамиятимизда ватанпарварлик ҳисси тобора кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Деярли барча фуқаролар Ўзбекистонни ўзининг жонажон Ватани, деб билади ҳамда ўз салоҳиятини намойён эти-

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК — ЖАМИЯТ БАҲАРАРЛИГИ ОМИЛИ

ши учун бу ерда барча имкониятлар яратилган, деб ҳисоблайди. Бу эса Ўзбекистонликларнинг ҳар бири ўзини эл-юрти тақдирга бевосита дахлдор, деб билишни англатади. Иштирокчилар ўз жавобларида Ўзбекистон фуқароси эканлигидан фахрлини таъкидлаган. Ҳозирги ва аввалги сўровларнинг қиёсий натижалари шунини кўрсатадики, бундай фикрларни биринчи галда ёшлар, жамиятнинг фаол ва меҳнатли қисми қилиб баён этганлиги диққатга сазовордир. Олинган маълумотлар ёшларимизда мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини тасдиқлайди. Бундай ҳулоса Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий

йилда изчил амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига ҳамроҳлиги билан аҳамиятлидир.

Конституцияимизда мустақамлаб қўйилган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини мамлакатимизда тўла таъминланаётгани жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Буни сўрвда қатнашганларнинг 95,4 фоизи тасдиқлади. Бундан ташқари, аксарият Ўзбекистонликлар давлат тилини эгалаган, билмаганлар эса, ўзбек тилини ўзлаштириб, фарзандларига ҳам ўргатиш истагида эканини баён этган.

Аҳолининг аксарият қисми (98,3 фоиз) жавобларида фуқаролар ва миллатлараро тутувлик юксак даражада қадрлинишига қатъий ишонч билдирган. Бун-

дай ишонч жамоатчилик онгида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг янада уйғунлашуви табиий ҳол, дея ҳисобланади.

Сўрвда Ўзбекистон фуқароларининг мамлакатимиздаги барқарорлик, миллатлараро тутувликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни ижобий баҳолаши аққол намойён бўлди. Бу эса аҳолининг миграцион кайфиятларида ҳам ўз аксини топган: миллатидан қатъий назар, кўпчилик аҳоли (96,8 фоиз) Ўзбекистондан кетишни истамайди.

Сўров иштирокчилари Ўзбекистон эришган ютуқлар Юртбо-

шимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасидаги инсонпарварлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка асосланган оқилона сиёсатнинг бевосита ва табиий самараси эканлигини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон фуқаролари Президент Ислам Каримов истиқлол йилларида диёримизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги тутувликни таъминлашнинг асосий кафолати эканига қатъий ишонади. Сўров юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва эллат вакилларининг умумий мақсад йўлида жиҳатлашиб, ўз Ватани — Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши учун самарали меҳнат қилиб келаётганлигини яна бир қарра тасдиқлади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ўзА томонидан тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Адвокатура институтининг чуқур ислохот этилгани фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқулланиб, 2009 йил 12 сентябрда кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун бунинг амалий ижроси бўлди. Қонун асосида вакиллик институти тубдан такомиллаштирилди.

Пленумда мазкур қонуннинг амалиётда судлар томонидан тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Фуқаролик ишлари бўйича вакилликка доир қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

2009 йил сентябрь ойига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига биноан ишда иштирок этувчи шахснинг вакили (тарафлар, учинчи шахслар) сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахснинг, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйиларди. Бу фуқароларнинг юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни сифатли таъминлаш, фуқаролик ишларида вакил сифатида иштирок этувчи қўллаб-қувватловчи юридик маълумот ва тегишли билим ҳамда тажрибага эга бўлмаган тарафларнинг ишончини суистеъмол қилиш ҳолатлари қузатилар эди. Бошқача айтганда, бундай шахслар тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган турриб, аҳолига муайян ҳақ эвазига сохта юридик хизмат кўрсатиш йўли билан қонуний даромад кўраётган ҳамда қонунларни нотўғри талқин қилгани учун ҳеч қандай жавобгарликни бўйича олманган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказётган эди. Амалиётда бундай сохта адвокатларнинг жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари ҳам мавжуд.

2009 йил 12 сентябрда кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун имкон яратди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси 2-қисмида шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладиганлар доираси ҳам белгиланди. Муҳими, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши белгилаб қўйилди.

Пленумда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия ақтрларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорлар лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ўзА мухбири

Коммунал хизмат

ЯНГИ ТАҚСИМЛАШ АНЖОМЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА

Аҳолининг коммунал хизматга нисбатан талабини тўлиқ қондириш борасида жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, газ узлуксизлигини таъминлаш асосий вазифалар сирасига киради.

Юнусобод тумани газ таъминоти идорасида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, аҳолига турли қулайликлар яратиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Утган чорак давомида худудимизда мавжуд газ тартиб-лаш шохобчалари, қувурлар тўлиқ назоратдан ўтказиб чиқилди, — дейди бош муҳандис Баходир Абдуллаев. — Шу асосда боғхона ўқув маркази, Ҳасанбой 6-тор ҳамда Исломо-бод кўчалари, «Олтин водий» тўйхонасига тааллуқли ўндан ортиқ газ тақсимлаш ускуналари қулай жойларга қўчирилди. Натижада аксарият

аҳоли турар жойларида газ таъминоти янада яхшиланди. Йил якунига қадар бу ишлар сарҳисоб даврида қузатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда давом эттирилди.

И.ДИЛШОДОВ
СУРАТДА: туман газ таъминоти бўлими фаолиятдан лавҳа



Мактаб

Ўқувчиларининг дам олиш онларини мазмунли ташкил этиш масаласи айниқса ёз ойлари яқинлашиши билан долзарблик касб этади.

Семинарлар

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги ўқувчи ёшлар техник ижодиёт марказида ўтган навбатдаги семинар ҳам шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда соҳа мутахассислари ўқувчиларнинг ёзги ҳордиқ чиқаришини кўнгилдагидек ташкил этишга оид услубий маслаҳатлари билан ўртоқлашди.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли уюштириш муҳим аҳамиятга молик, — дейди туман техник ижодиёт маркази раҳбари Нуриддин Муҳидов. — Ҳамкасбларимизнинг бу борадаги фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда марказ миқёсида ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурда ҳар бир ўқувчи билан олиб бориладиган иш жараёни, мураббийнинг касбий малакасини оширишга қаратилган услубий-амалий тавсиялар ўз ифодасини топган.

Семинар давомида ёзги таътил даврида 250, 235, 272-мактаблар қoшида оромгоҳлар, қолган мактабларда ёзги соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиши муносабати билан мураббийлар масъулиятини ошириш, майдончалардан унумли фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, янги педагогик технологияларни таътил даврида ҳам кенг татбиқ этиш масалалари муҳокама қилиниб, аниқ таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Хумоюн АЛИЕВ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ»

V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Бош Миллий мукофот:

«Ёшлар» телерадиоканали ЕАЖ — директор Хайрулла Нуриддинов. Ёшлар мавзуси ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий кадрларини сақлаш масалаларига доир туркум кўрсатувлари учун.

Асосий номинациялар:

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Муҳаммадjon Бекмуҳаммедов — «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси директори ўринбосари. Одам савдосига қарши курашиш ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларини ёритган туркум кўрсатувлари учун.

2-ўрин:

Сайёра Абдуллаева — МТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурлари бош муҳарририят катта муҳаррири. Аҳолининг репродуктив саломатлиги, онали ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган туркум кўрсатувлари учун.

3-ўрин:

Бекпўлат Тоғаев — ЎЗОВАМА ЎзНТТ «Худуд» ахборот-таҳлилий дастурининг махсус мухбири (Жиззах вилояти). Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги мавзусидаги репортажлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Шухрат Сулонов — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририят бош муҳаррири. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтимоий-иқтисодий ислохотларга бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

2-ўрин:

Шухрат Зокиров — «Рухсор FM» радиоканали муҳаррири (Фаргона вилояти). «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

3-ўрин:

Олима Ҳамроева — МТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоканалининг катта муҳаррири. Ўзбек халқининг анъаналари ва кадрларини сақлаш масалаларига бағишланган туркум радиозиттиришлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

1-ўрин:

«Uzbekistan Today» газетаси тахририяти — бош директор Садриддин Суяров. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларини кенг ёритгани учун.

2-ўрин:

«Андижоннома» газетаси тахририяти — бош муҳаррир Абдилгани Даминов. Вилоят ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни атрафлича ёритгани учун.

3-ўрин:

Наталья Шакирова — «Правда Востока» газетаси мухбири. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислохотларга бағишланган материаллари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):

1-ўрин:

Салим Дониёров — «Народное слово» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари. Мамлакатнинг минтақавий ва халқаро ҳамкорлиги масалаларини ёритган материаллари учун.

2-ўрин:

Олим Тўрақулов — ЎзАнинг Республика ахбороти тахририят бош муҳаррири ўринбосари. Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг боришини ҳамда инвестицион муҳитни кенг ёритгани учун.

3-ўрин:

Анна Гриценко — www.generation.uz сайти муҳаррири. Болалар ижодиёти ва спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган материаллари учун.

Рағбатлатирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:

Анвар Обиджонов — фахрий журналист
Галина Мельникова — Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг диктори

Фаол фуқаролик позицияси учун:
Шарофат Йўлдошева — «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

Фироза Кубарева — «Знамя дружбы» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари (Навоий вилояти)

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

Бурхон Шерматов — «Мулоқот» телевидениеси директори (Қўқон шаҳри)

«Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун:

Саида Зокирова — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар муҳарририят муҳаррири

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун:

Абдунаби Абдиев — жамоатчи мухбир (Қашқадарё вилояти)

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги энг яхши материал учун:

Алижон Сафаров — «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи

Энг яхши журналистик текширув учун:

Иқром Чориев — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳаррири

ти бўлими бошлиғи

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:

Фарходжон Миршарипов — Ўзбекистон МТРК Фаргона вилояти телерадиоканалининг бош муҳаррири ўринбосари

Энг яхши режиссёрлик иши учун:

Жамшид Худойқулов — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририят режиссёри

Энг яхши матбуот хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати — раҳбар Комил Алламжонов

Энг яхши фоторепортаж учун:

Ҳасан Пайдоев — «Халқ сўзи» газетаси фотомухбири

Энг яхши карикатура учун:

Хусан Содиков — «Муштур» журнали рессоми

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун:

Гулу Надир огли Казимов — Озарбойжон Республикаси Ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлатирувчи мукофотлари:

БМТ

Минг йиллик тараққиёт мақсадлари мавзусини ёритгани учун:

1. **Гулноз Нурбекова** — Қорақалпоғистон радиоканалининг «Хабар» ахборот-таҳлил дастури бош муҳарририят муҳаррири

2. **Нилуфар Умрзоқова** — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканалининг катта муҳаррири

3. **Ибодат Соатова** — «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» — «Здравоохранение Узбекистана» газетасининг ижрочи муҳаррири

4. **Саҳобиддин Хўжанов** — МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари

ЮНЕСКО

Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун:

1. **Александра Спиридонова** — «Молодёжь Узбекистана» газетаси мухбири

2. **Адхам Сулейманов** — «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти фотографи

ЖАҲОН БАНКИ

Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини кенг ёритгани учун:

Аҳмадали Тешабоев — «Фермер ва торморқачи» газетаси бош муҳаррири

МАЪНАВИЯТ — акс кўзгуси

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГИ

Ўқитувчи, устоз деган сўз замирида қанчалар улғу ҳикмат, қанчалар катта маъно борки, унга қисқатгина таъриф бериб бўлмайди. Машаққатли, шу билан бирга шарафли касб соҳибларини боғбонга қиёс қилиш мумкин. Боғбон кўчат экиб, боғ яратади, пишган мазали меваларидан барча баҳраманд бўлади. Ўқитувчи ҳам ёш авлод боғбонидир. Ёшларга билим, таълим-тарбия беради, комиллик сари етаклайди. Халқимизда «Устоз отангдек улғу» деб бежиз айтилмайди.

Маълумки, ҳар йили халқ таълими тизимидаги педагог ходимлар орасидан ташаббускор, ижодкорларни аниқлаш, етук этиб тарбиялаётган, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни самарали қўллаётган мутахасссларнинг фаоллигини ошириш мақсадида «Йилнинг энг яхши педагоги» танлови ўтказиб келинмоқда.

Бу йили ҳам ушбу танлов муваффақиятли якуланиб, голиблар аниқланди. Республика босқичида Тошкент шаҳридан 118-мактабнинг тарих ўқитувчиси Бибибисора Ҳасанова «Йилнинг энг яхши педагоги» деб топилди.

Албатта, ўз фанининг ҳақиқий билимдонлари орасидан энг сарасини аниқлаш ўта мураккаб жараён. Барча синовлардан педагогик салоҳияти тўлиқ намоён этган ҳолда муваффақиятли ўта олган, ҳамкасблари орасида бугунги кун ўқитув-

чисига хос алоҳида қирралари билан ажралиб турган Бибибисора Ҳасанованинг ҳар бир чиқиши, танлов шартларига ҳозиржавоблиги барчани ҳайратга солди.

Ёшлигидан ўқитувчилик касбига меҳр қўйган Бибибисора мактабда тарих фани ўқитувчиси Бону Кодировага ҳавас қилиб, ўз олдига келажакда устози каби тарих фанидан ўқувчиларга сабоқ беришни мақсад қилди. 1980 йилда бугунги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига ўқишга кириб, муваффақиятли битирди. Ўқитувчилик фаолиятини орзу қилганидек, 227-мактабда бошлади, 1989-96 йилларда 26-мактабда давом эттирди. Шу йиллар давомида тинимсиз изланишлари ва интилишлари, касбга садоқатини намоён этиб, ҳурмат-эътибор қозонди. 1996 йилда педагогик ўқиш



бўйича танловнинг шаҳар босқичида биринчиликти қўлга киритди. 1998 йилда «Йил ўқитувчиси» танловида қатнашиб, «Бунёдкор ўқитувчи» номинациясига сазовор бўлди.

Ҳар бир дарсда янгилик яратишга, таълим сифати ва мазмунини оширишга, ёшларни тарихимизни чуқур ўрганишга ундайдиган, бу борада ўз билим ва маҳоратини аямаян жонқуяр устознинг фикр-ақли билан янги муваффақиятларни қўлга киритишга замин яратди. 1999 йилда Бибибисора Ҳасанова «Меҳнат шўхрати» ордени, сўнгра «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди. Шу йили унга катта ишонч билдирилиб, 118-мактабга директор этиб тайинланди.

Бу ютуқлардан фахрланиб қолмай, Бибибисора Ҳасанова зиммасидаги масъулиятни янада чуқур ҳис этган ҳолда ўзига билдирилган ишончнинг оқлашга киришди.

— Болаларни жуда яхши кўраман, уларга чуқур билим бериш, комил инсон қилиб тарбиялаш эзгу мақсадимдир, — дейди Бибибисора Ҳасанова. — Шаҳар миқёсидаги «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, республикада энг яхши педагог номига сазовор бўлиш жуда катта масъулиятни зиммамга оқлайди. Менга билдирилган ишончнинг оқлашга ҳаракат қиламан. Айни пайтда янги мақсадлар оғуширдан. Танлов жараёнида ҳамкасбларимдан ўрганган илғор тақрибларни ўз фаолиятимда уйғунлаштирган ҳолда янада фаолроқ ишлашга киришганман. Эзгу мақсад сари интилиш ва изланиш бўлса, албатта самара беради. Буни ўз ҳаётим тажрибам мисолида кўриб, гувоҳи бўляпман.

Ёш авлод таълим-тарбиясини ҳаётнинг мазмуни деб билган Бибибисора Ҳасанованинг ойдин орзулари ҳамма кенг қулоқ ёйиб, ташаббуслар қанотида юксак чўққиларни забт этишига умид қиламан.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Йилнинг энг яхши педагоги» Бибибисора Ҳасанова. Владимир Гранкин олган сурат

ПАРИЖДА ЎЗБЕК МУСИҚАЧИЛАРИ МАҲОРАТИНИНГ НАМОЙИШИ

Франция пойтахтида пианиночиларнинг Александр Рубинштейн номидаги ва скрипкачилар, альт ва виолончель ижрочиларининг Александр Глазунов номидаги халқаро конкурсларда қатнашган ўндан ортиқ давлат вакиллари қаторида Ўзбекистон давлат консерваторияси биринчи босқич талабаси Нигора Ҳасанова ва В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таҳсил олувчи Шукрулло Ажметов ва Мирзалим Акбаровлар ҳам иштирок этишди.

Александр Рубинштейн номидаги конкурсда юксак ижро маҳоратини намоиш этган Ш.Ажметов ўз ёши тоифасига кўра, танловнинг биринчи даражали мукофотини қўлга киритди. Н.Ҳасанова ўз гуруҳида иккинчи ўринни олди.

Скрипкачилар мусобақасида А.Холиқова, З.Баширова ва З.Собитова каби яна ўзбекистонлик ёш мусиқачилар гуруҳи биринчи ўринга муносиб деб топилди ва Александр Глазунов номидаги биринчи даражали мукофот соҳиби бўлишди. М.Ковалева альт ижрочилари орасида иккинчи даражали мукофотни қўлга киритди.

— Ўзбекистоннинг ёш мусиқачилари ҳар галги мусобақада ўзларининг жуда жиҳдий тайёргарлик кўришганини намоиш этишади, — деди ўзбекистонлик иштирокчиларнинг чиқишларига муносабат билдирар экан, Александр Рубинштейн номидаги конкурс ташкилий қўмитаси аъзоси, профессор Игорь Лазко. — Менга бундан уч йил олдин мамлакатимизда бўлиш ва ривожланиб бораётган Ўзбекистон мусиқа маданиятининг бой аъёнлари билан яқиндан танишиш ҳамда янги қурилган мусиқа ва санъат мактабларини шахсан бориб кўриш насиб этганди. Ўзбекистонда 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилингани ёш истеъодларнинг камол топиши учун янада кўпроқ имкониятлар эшигини очди. Мамлакатингиз ёш пианиночилари ва скрипкачиларининг Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада эришган юксак муваффақиятлари бундай ҳулосага келишга етарли асос бўла олади.

«Жаҳон» АА, Париж

ТИББИЙ МАДАНИЯТ ОИЛАДАН БОШЛАНДИ

Тошкент Туризм касб-ҳунар коллежида «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари, ирсий касалликлар ва болаликдан ногиронликнинг олдини олиш», «Репродуктив саломатлик», «ОИТС – бу нима?» каби мавзуларни қамраган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда барча соҳалар сингари соғлиқни сақлашда ҳам изчил ишловлар амалга ошириляпти. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қатор давлат дастурлари қабул қилинди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларда нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан скрининг марказлари диагностика аппаратлари, турли ташкилий техника ҳамда дори-дармон воситалари билан таъминлаб келинмоқда. Бундан ташқари, жамғарма ёш авлод ўртасида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалалари бўйича Репродуктив саломатлик маркази, скрининг маркази мутахассслари билан ҳамкорликда олий ўқув юрталари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқувчилари ўртасида турли мавзуларда учрашувлар ўтказаяпти.

Тадбирда барча мавзулар долзарб ва аҳамиятли эканлиги, унга эътибор билан ёндошмоқ зарурлиги алоҳида таъкидланди, ҳар бир инсон ўз саломатлигини асраши лозимлиги уқтирилди. Соҳа ходимлари тиббий маданият оиладан бошлангани лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Фан олимпиадалари

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Келажакимиз ворислари бўлиши ёшларнинг билими, зукко шахс бўлиб вояга етиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига пухта билим бериш, ёшлар маънавиятини ошириш мақсадида уюштирилаётган турли танловлар, фан олимпиадаларининг ўрни беқиёс.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида немис тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича республика фан олимпиадаси уюштирилди. Унда олий ўқув юрталари талабалари, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари немис тили ва адабиёти фани бўйича тўплаган билимини ҳакамлар ҳайъати кўригидан ўтказди. Тадбир натижаларига кўра голиб деб топилган ёшларга халқаро танловда қатнашиш йўллари маси берилди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Нигоҳ

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Санъат турларининг ичида кино бугунги кунда тез ривожланиб бормоқда, десак адашмаймиз. Кинонинг нафақат санъат, балки sanoat сифатида олға юриши жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари, воқелик қай йўсинда бадий идрок этилиши билан боғлиқ.

Ўзбек киноси истиқлол йилларида том маънода янгича қиёфага эга бўлди. Эскича қолиплар, қарашлардан воз кечилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартдаги «Кинематография соҳасидаги бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламида муҳим асос бўлибгина қолмай, миллий кино санъатимиз ривожланиш уфқларини белгилаб берди.

— Кино санъатининг бугунги кундаги умумий аҳоли бир қадар қониқиб уйғотади, деган ҳулосани ўртага ташласак, бу тўхтама турлича акс садо бериши, шубҳасиз. Кимдир бу фикрга қўшилиши, кимдир уни рад этади, — дейди «Ўзбекино» миллий агентлиги матбуот хизмати раҳбари Ҳаким Саторий. — Албатта, икки тарафининг ҳам ўзига яраша салмоқли далиллар бўлади. Гапнинг сирасини айтганда, кино оламидаги вазиятнинг жамоатчилики бепарво қолдирмаслигини ўзи ижобий ҳолат.

Ўтган давр мобайнида яратилган «Ўтов», «18-квadrat», «Ой остидаги ҳовли», «Йўл бўлсин», «Чашма», «Уйин», «Илова», «Сўнгги лаҳза», «Муҳаббатнома» фильмлари миллий кино санъатимизнинг ўсишига муносиб ҳисса қўшди. Биргина «Ўтов» фильми қатор нуфузли кинотанловларда алоҳида эътирофга лойиқ кўрилганининг ўзи кино санъатимизнинг ўсиш босқичида эканлигидан далolat беради. Ёки «18-квadrat»ни олайлик. Ҳарбий ватанпарварлик руҳини ўзида мужассам этган мазкур кино асари халқимиз, айниқса ёшларимиз онгу-шуурига она юрт сарҳадлари дахлсизлигини асраб-авайлаш нечоғлиқ муҳим эканлигини го этиди.

Айтиш жоизки, ёш режиссёр Акбар Бектурдиев томонидан яратилган «Сўнгги лаҳза», «Муҳаббатнома» фильмлари ҳам маънавиятимиз сарчашмалари нечоғлиқ улғувор эканлигини кўрсатади. Айниқса, «Сўнгги лаҳза» фильми қаҳрамони умри шамдек сўниб бораётганини, охириги кунлари яқинлигини билган ҳолда, турмуш сўкмоқларида адашган кизга ёрдам қўлини чўзиши аҳамиятлидир. Бу билан ҳар ким бу ёрдам оламда яшар экан, ўзгаларга эзгулик улашмоғи, яхшилик чаманзорини гуллатмоғи керак, деган умумибарий гоя илгари су-

рилганлигини кўришимиз мумкин. «Муҳаббатнома» фильмида Ватан соғинчи дунёда ҳамма нарсадан устун эканлиги севги-муҳаббат мавзуси мисолида очиб берилган. Ўзбек киносида ҳинд актрисасининг иштирок этиши кўплаб киномухлислар томонидан илиқ қарши олинди.

Бирок ҳали ечимини топиши лозим бўлган муаммо ҳам анчагина. Кино бозорига соғлом рақобат муҳити юзага келишини мақсад қилган ҳолда, хусусий киностудияларга фильм яратиш ҳуқуқи берилган. Лекин, очигини айтганда, кейинги пайтда бадийлик талабларидан жуда йироқда, шунчаки кайфиятга таъсир кўрсатадиган фильмлар бозори чакқонлашиб кетди. Комедия жанри мутахассслари кўп бора таъкидлаганидек, комик киноасари инсонга хуш кайфият улашишга эмас, балки уни маънан ўстира олиши ҳам зарур. Шунинг баробарида пишиқ сценарийлар, бугунги замон руҳиятини акс эттирадиган ҳозиржавоб фильмлар яратиш эҳтиёжи ҳам мавжуд эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбек киносининг сезиларли ютуқлари халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Ўтган ойда мамлакатимиз маданий ҳаётида катта янгилик сифатида қарши олингани Озорбойжон киноси кунлари бунинг яққол исботидир. Икки халқ ўртасидаги азалий қардошлиқ, ижтимоий алоқаларнинг замонавий кўриниши тусини олган мазкур анжуман бироз унутилган ижодий ҳамкорликдошлик паллаларини ёдга туширди. Томошабинлар билан Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган жонли мулоқотлар илосмандларнинг етук киноасарларга ташна эканлигини кўрсатди. Озорбойжон кино усталари мазкур анжуман давомида учта бадий, иккитадан қисқа метражли, ҳужжатли ва мультпликацион фильмлари билан иштирок этди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, юртимиз маданий ҳаётининг энг қайноқ жабҳаси ҳисобланган кино санъати ривожланиш босқичида. Унинг замиридаги муаммо ва камчиликларни ечиш эса етук мутахассслар зиммасидаги масъулиятли вазифа саналади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Ўзбек халқ мусиқа созлари ижрочилигида янги шаклларга асос ўтган асрнинг бошларида пайдо бўла бошлаган . Халқ мусиқа ижрочилиги аъёнлари асосида янги, нисбатан мураккаб ва мукамал, ҳаётнинг турли томонларини ёритувчи куй ва қўшиқлар юзага келди. Таниқли дуторчи, танбурчи, доирачи, найчи, сурнайчи, гижжакчи, қашқар ва афғон рубобчилари пайдо бўлди. Халқ чолбўларий мусиқа ихлосмандлари орасида кенг ёйилди. Улар созлари билан Наврўз байрамларида ва шу сингари бошқа халқ сайилларида фаол иштирок этар эди.

Ўзбек мусиқа ижрочилигида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оҳанг ва ритм қонуниятларига кўра халқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, факат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одат-

да ҳам, кейинги даврларда ҳам ушбу санъатнинг мумтоз намуналари, халқ севган қўшиқ ва куйлар кўпинча махсус тайёргарлик асосида пайдо бўлган. Бирок том маънодаги халқ санъати, унинг асрлар оша бизгача етиб келган етук намуналар-

Ўзбек миллий санъатшуноси Фулом Зафарий ушбу тадқиқ этилаётган даврда ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ривожига, унинг назарий томонларини юксалтиришга ўзининг салмоқли хиссасини қўшди, аънавий қўшиқчиликнинг манаюндалари

Маданиятимиз тарихини ўрганамиз

ШАШМАҚОМ — МУСИҚА СОЗЛАРИДА

да, ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган бўлиб, биринчиси фақат мусиқа созларида ижро этилган ва мушгулот деб аталган, иккинчиси мусиқа созлари жўрлигида айтиладиган ашула бўлиб, у наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи — уфурни ҳам олган.

Ўзбек халқининг аънавий қўшиқчилик санъати узоқ даврлар давомида соф маданий йўллар асосида ривож топди. Бошқача айтганда, бу санъат ҳар қандай сиёсий турткиларсиз ва махсус мафқуравий назариялар тазйиқларисиз, ижтимоий бюуртмаларсиз тараққий этди. Бирок бунда ўзбек қўшиқчилиги ҳаётнинг сиёсий муаммоларидан тамоман ҳоли бўлган эканда, деган ҳаёлларга бормаслик лозим. Дарҳақиқат, ўзбек халқи маданияти, хусусан, унинг қўшиқчилик санъати жамиятдаги ҳукмрон табақалар таъсиридан четда бўлмаган. Ўзбекистоннинг қўшиқчилик тарихи шундан далolat берадими, қадим замонлар-

ри эркин ижод самараси эдики, улар сарой маданияти билан мувозир тарзда таркиб топиб, ривожланди.

1918 йилдан бошлаб Туркистон халқлари маданий меросини, хусусан, қўшиқчилик санъатини ўрганиш бўйича илмий гуруҳлар, мусиқий-этнографик комиссиялар ташкил этила бошланди ва уларга Туркистон университети профессорлари, шарқшуно олимлар раҳбарлик қилди.

Кейинчалик бу иш улуксиз давом эттирилиб, 1919 йилда бадий-этнографик комиссия ташкил этилди. Мусиқа фольклорини ёзиб олиш мазкур комиссиянинг бош вазифаси ҳисобланди.

Мазкур комиссия фаолиятида шашмақомнинг ёзиб олиниши катта воқеа бўлди. Ана шу мақсадда комиссия В.Успенскийни Бухорога илмий сафарга жўнатди. Успенский бу ерда таниқли ижрочилар хофиз Ота Жалол Носиров ва танбурчи Ота Гиёс Абдуғани билан ҳамкорликда иш олиб борди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки,

ҳақида талайгина тадқиқот ишларини амалга оширди. Ф.Зафарий миллий мусиқа тараққиёти учун фикорона ишлаган. Унинг «Шарқ куйлари ва чолғулари», «Музыка муаммоси», «Ўзбек мусикаси тўғрисида» каби қатор мақолалари маданиятимиз ривожиди ўзининг қимматли ўрнига эга. Ф.Зафарий XIX аср иккинчи ярми ва XX аср биринчи ярми даврида Ўрта Осиёда яшаб ижод этган ва шу ҳудуд ҳамда атроф ҳудудлар халқларига хизмат қилган машҳур хонанда ва созандалардан 168 тасининг фаолияти ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Улар орасида машҳур Тўйчи Хофиз, Худойберган Устоз, Ашурал Махрам, Мамажон Хофиз, Шораҳим Хофиз, Ёқубжон чанг, Ортиқ хофиз, Мадумар хофиз, Умматкул қўшнай, Аҳмаджон қўшнай, Тешабой соз, Шожалил хофиз каби қатор элга машҳур санъаткорлар номлари бор.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий ва маданий меросни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тарихий обидаларни тиклаш ва борларини келажак авлодга етказиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Биргина музей ишларини кенг қўламда ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини миллий ва жаҳон маданий меросидан баҳраманд қилиш ҳаракатлари бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда маданий меросимизни тарғиб этиш мақсадида интерфаол лойиҳа ишлаб чиқилди. Унда аҳолини маданий ҳаётга фаол жалб этиш, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги муҳитда ҳар бир кишининг санъат дурдоналари билан яқиндан танишишига имконият яратиш кўзда тутилган.

ЖАҲОН САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Эртага мазкур лойиҳа доирасида пойтахтимизда тадбир бўлиб ўтади. Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилажак ушбу тадбир Халқаро музейлар кунига бағишланади.

Лойиҳага кўра, Халқаро музейлар куни арафасида кўп асрлик тарихга эга Тошкент шаҳри ўзига хос янада чирой очди. Шаҳар марказидаги боғлардан бири 100 рангасвир баннери билан безатилди. Дунёнинг энг машҳур музейлари Лувр ва Эрмитаж, Уффици ва Третьяков галереялари,

Метрополитен музейи, Берлин, Вашингтон, Лондон, Мадрид шаҳарлари санъат музейлари ҳамда Ўзбекистондаги музейлар коллекциясидан олинган асарлар бундан кейин шаҳримиз ландшафтининг ўзига хос таркибий қисмига айланади. Хамюртларимиз ҳар куни Буюк Бри-

тания, Германия, Голландия, Италия, Испания, Норвегия, Россия, АҚШ, Франция, Хитой, Япония, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар санъат дурдоналари билан мулоқотда бўлиши, бу маданий ҳаётнинг узвий қисмига айланиши натижасида Шарқ ва Европа уйғониш даври, замонавий санъат намоёндалари асарларида акс этган гўзалликдан баҳраманд бўлади. Гўзаллик ва нафосатга интилиш кишилар учун оддий ҳолга айланади.

Баркамол авлод йилида Тошкентда фаолият бошлайдиган лойиҳа аънаси келгусида ўз доирасини кенгайтириб, бошқа минтақаларда ҳам давом эттирилиши режалаштирилган.

Рахшона ТОШПҲАТОВА,
«Туркистон-пресс»

Ижтимоий лойиҳалар

МЕН, ОТАМ ВА ОНАМ — СПОРТЧИДИР ОИЛАМ

Ўзбекистон Миллий боғида Чилонзор тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган «Энг намунали спортчи оила» мавзусидаги мусобақа ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби хайрли мақсадларга қаратилди.

Тадбир аввалида ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига синдириш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оиланинг, айниқса ота-оналарнинг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад ҳам, — деди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими бош мутахассиси Мастура Якубова, — оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар бир оилга

спорт кириб боришига эришиш, шу билан бирга фарзандларимизни ота-оналаримиз, нурунийларимиз бой ҳаётий тажрибаси асосида тарбиялаш кўзланган.

«Мен, отам ва онам — спортчидир оилам» шиори остида кўтаринки руҳда, таассуротларга бой тарзда ўтган ушбу мусобақада «Наврўз» маҳалласидан Мираҳмедовлар оиласи голиблик шохсупасини забт этиб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга ки-

ритди. Иккинчи ўринга «Меҳр-жон» маҳалласидан Ҳасановлар, учинчи ўринга Лутфий номидаги маҳалладан Полвоновлар оилалари муносиб деб топилди.

Ғолиб ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Тадбир давомида 204-429- ва 534-мактабгача таълим муассасаси кичкинтойлари ижросида янграган



қувноқ куй ва қўшиқлар барчага яхши кайфият улашди.
Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон

Миллий боғида бўлиб ўтган мусобақадан лавҳалар
Козим Ўлмасов олган суратлар

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Яққасарой туманидаги мактабларда таҳсил олаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва комил инсон қилиб вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камолот» ЁИХ бўлими томонидан бир қатор мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

Мусобақалар СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Хусусан, яқинда вояга етмаганлар ҳамда хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятини ошириш, оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлимлари томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида стол тенниси ва футбол бўйича «Соғлом танда — соғлом ақл» мавзусида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда «Қушбеги» спорт мажмуасида мусобақалар ўтказилди.

Беллашувларда ғолиб деб топилганлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва ёрликлар билан тақдирланди.

Дониёр АБДУЛҲАФИЗОВ,
«Камалак» болалар ташкилоти Яққасарой тумани бўлими раиси

— Аҳоли соғлигини сақлаш — давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир, — деди Б.Ниёзматов. — Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз ривожланишида муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳани такомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, республикамизда замонавий санитария-эпидемиология назорати хизмати йўлга қўйилган. Яхлит иммунопрофилактика ва эпидемиологик мониторинг тизими ушбу хизматнинг муҳим бўғинлари ҳисобланади. Эмлаш — кўпга инфекциялардан ҳимояланишнинг энг самарали усулидир. Аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлаш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган. Профилактик эмлаш бўйича миллий тақвим доирасида ва эпидемиологик кўрсаткичларга биноан эмлашдан ҳамма бепул фойдаланиши кафолатланган. Бундай изчил ишлар самарасида Ўзбекистонда хавфли юқумли касалликлар бўйича мақбул эпидемиологик ҳолат мунтазам сақланиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда

1996 йилдан буён биронта ҳам полиомиелит билан касалланиш ҳолати қайд қилинмаган. Ўзбекистон ҳудудида, айниқса, болалар учун хавфли ҳисобланган бу инфекция тўлиқ бартараф этилган, полиомиелитга қарши эмлаш ишлари режалари асосда ўтказилмоқда. Бугунги кунда республикамизда аҳолини бундай эмлаш даражаси 98-99 фоизни ташкил этади. Қолган 1-2 фоизни бундай эмлаш таъқиланганлар, асосан болалар ташкил этади. Шу сабабли мамлакатимизда полиомиелит касаллигининг тарқалиши эҳтимолдан жуда узоқ. Аммо кейинги пайтда Марказий Осиё минтақасининг айрим давлатларида гоят жиддий асоратларни келтириб чиқарадиган ва баъзида ўлимга ҳам сабаб бўладиган ушбу касалликнинг пайдо бўлиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида ушбу инфекция кириб келиш хавфи пайдо бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тезкор профилактик ва эпидемияга қарши чоралар кўрилди. Хусусан, профилактик мақсадларда бутун мамлакатимиз бўйича қўшимча равишда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, айрим қўшни давлатларда хавфли юқумли касаллик — полиомиелит қайд қилинган. Шу муносабат билан, ЖСТ Ўзбекистонни 2002 йилда полиомиелитдан холи мамлакат, деб тан олганига қармай, республикамизда тезкор профилактик ва эпидемияга қарши чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида полиовирус кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймастик мақсадида қандай чоралар кўрилмоқда? Бу ҳақда ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария вазири, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

эмлаш ишларини ўтказишга қарор қилинди. Вазирлик томонидан ЖСТ ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларини ўтказиш борасида битим имзоланди. Унга кўра, 5 ёшгача бўлган барча болалар — умумий ҳисобда 2 миллион 890 минг нафар-

этилган республика штаби мувофиқлаштириб боради. Бундай штаблар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳар ва туманларида ташкил этилган. Уларга етакчи мутахассислар жалб қилинган. Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказида Полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган семинар ташкил этилди. Унда вилоятлардан ушбу иш учун масъул мутахассислар иштирок этиди. Эмлаш кампаниясини ўтказиш бўйича

Ушбу материалларда томчи шаклидаги вакцина хавфсиз ва самарали эканлиги ҳақида кенг маълумот берилган. Мазкур вакцина ёрдамида дунёда икки миллиарддан орტიқ бола полиомиелитдан ишончли ҳимоя қилинган. Таъкидлаш керакки, вирус инсон организмидан оғиз орқали, яқин мулоқот чоғида, овқат ҳамда нотоза сув, шунингдек, хаво орқали юқади. Шу сабабли шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳам полиомиелитнинг ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати мутахассислари мамлакатимиз аҳолисини хавфли инфекциялардан, шу жумладан, полиомиелитдан ишончли ҳимоялаш мақсадида барча зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Анна ИВАНОВА

ЭМЛАШ — ИНФЕКЦИЯДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

га яқин бола эмланади. Бу ишлар икки босқичда — шу йилнинг 17 майдан 23 майга қадар ва 7 июндан 13 июнигача амалга оширилади. Эмлаш ишларининг такроран ўтказилиши полиовирус юқишининг олдини олиш ва болаларда мазкур касалликка қарши мустаҳкам иммунитет пайдо бўлишига ёрдам беради.

Имзоланган битим доирасида Ўзбекистонга ЖСТ ва ЮНИСЕФ линияси бўйича полиомиелит штаммига қарши самарали таъсир кўрсатадиган 6,6 миллион доза микдоридagi вакцина келтирилади. Вакцинани сақлаш учун тегишли шарт-шароит — музлатгич тизимлари ва термосумкалардан иборат жиҳозлар тайёрланди. Бундай жиҳозлар билан мамлакатимиздаги эмлаш жараёни жалб қилинган барча 7 мингта даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари, олис ва бориш қийин туманларда яшайдиган болаларни эмлаш учун 5 мингдан зиёд эмлаш бригадаси ташкил этилди.

Эмлаш кампаниясини Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1235

Буюртма Г-406
Тошпирилган вақти: 15.50